Shaxs (talabaga)ga yo'naltirilgan ta'limda ta'lim oluvchilar o'quv materialini o'rganish muhimligini ongli ravishda tushunib yetishlari, shuningdek samarali o'zlashtirish uchun ularda xohish-istak, qiziqish va ishonch bo'lishi kerak.

Talabaga yo'naltirilgan ta'limda o'zlashtirilgan bilim, egallangan ko'nikma va malakalar mazmunan tizimli va mantiqan tugallangan tarzda shakllantirilib turli vaziyatlarda qo'llash va ta'lim oluvchilarni mustaqil o'rganish qobiliyatlarini rivojlantirish imkonini beradi.

Adabiyotlar

1. Azizxo'jaeva N.N. Pedagogik texnologiya va pedagogik mahorat – T., 2006.
2. Ibragimova G.N. Oliy ta'lim tizimida interfaol texnologiyalar vositasida talabardagi ijodiy fikrlashni rivojlantirish // Zamonaviy ta'lim jurnali, 2017 №5, 33-37 betlar
3. Ishmuhamedov R., Yuldashev M. Ta'lim va tarbiyada innovatsion pedagogik texnologiyalar. –T., 2014
4. Qosimova Z. Ta'lim texnologiyalari. –T.: Tafakkur qanoti, 2014.
5. Qosimova Z.X. Oliy ta'limda bo'lajak aktyorlarni tayyorlashda innovatsion pedagogik texnologiyalarni qo'llash // Zamonaviy ta'lim jurnali, 2017 №4, 30-36 betlar
6. Mamatqulov B.M. Avezova G.S. Maxsus fanlarni o'qitish uslubiyoti // Darslik-Toshkent 2019, 301 b
7. Mirsolieva M., Ibragimova G. Ta'lim texnologiyalari va pedagogik mahorat. –T., 2015.
8. Najmutdinova D.Q. va boshq. Muammoga asoslangan o'qitish. Uslubiy qo'llanma. Toshkent 2010. 24 bet
9. Ro'zieva D., Usmonboeva M., Holiqova Z. Interfaol metodlar: mohiyati va qo'llanilishi / Metod.qo'll. – T.: Nizomiy nomli DTPU, 2013. – 115 b.
10. Tolipov O., Usmonboeva M. Pedagogik texnologiya: nazariya va amaliyot. – Toshkent: Fan, 2005.



ЭПИДЕМИОЛОГИЯ ФАНИНИ ЎҚИТИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Миртазаев О.М., Матназарова Г.С., Саидкасимова Н.С.

ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ПРЕПОДАВАНИЯ ЭПИДЕМИОЛОГИИ

Миртазаев О.М., Матназарова Г.С., Саидкасимова Н.С.

THEORETICAL BASES OF TEACHING EPIDEMIOLOGY

Mirtazaev O.M., Matnazarova G.S., Saidkasimova N.S.

Тошкент тиббиёт академияси

Ўқитиш жараёни замон талаб даражасига кўтаришнинг асосий омили бу инновацион таълим технологиялари ва олий таълимни модернизациялашдир. Инновацион таълим технологияларининг мақсади назарий ва амалий машғулотларни режалаштириш технологиялари бўйича билим, кўникма ва малакаларни такомиллаштиришдир. Эпидемиологияни ўқитишдан, таълим ва тарбия беришдан мақсад келажакда Ватанимизга садоқатли, билимли, ўз ватани учун ифтихор туйғуси шакланган, бой миллий маданий-тарихий анъаналарга ва халқимизнинг интеллектуал меросига ҳурмат билан қарайдиган, комил инсон кадрларни тарбиялаб етиштиришдан иборатдир.

Калит сўзлар: ўқув жараёни, олий мактаб, инновацион таълим технологиялари.

Основным фактором поднятия учебного процесса на уровень современных требований является модернизация инновационных образовательных технологий и высшей школы. Целью инновационных образовательных технологий является совершенствование знаний, навыков и компетенций в технологии, планирования теоретических и практических занятий. Целью обучения и воспитания эпидемиологов является воспитание в будущем полноценного гуманного, верного своей Родине, образованного, гордящегося своей родиной, уважающего богатые национальные культурно-исторические традиции и интеллектуальное наследие нашего народа человека.

Ключевые слова: учебный процесс, высшая школа, инновационные образовательные технологии.

The main factor in raising the educational process to the level of modern requirements is the modernization of innovative educational technologies and higher education. The purpose of innovative educational technologies is to improve knowledge, skills and competencies in technology, planning theoretical and practical classes. The goal of training, education and upbringing of epidemiologists is to educate in the future a full-fledged humane, faithful to our Motherland, educated, proud of their Motherland, respecting the rich national cultural and historical traditions and the intellectual heritage of our people.

Key words: educational process, higher school, innovative educational technologies.

Эпидемиология фани тараққитининг устувор йўналишлари. Олий таълимнинг Давлат таълим стандартига кўра “Педагогика” ва “Соғлиқни сақлаш” таълим соҳаларида ўқитиладиган эпидемиология фани умумий, хусусий бўлимлардан ташкил топган. Аҳоли касалланишларининг эпидемиологик қонуниятлари, фан тарихи ва ривожланиш тенденцияси, истиқбол масалаларини қамраб олади ҳамда бўлғуси умумий амалиёт врачларида эпидемиологик, мантиқий ва клиник фикрлаш, касаллик ва унинг белгиларини асослаш учун замин яратиб беради.

Эпидемиология – эпидемик жараённинг қонуниятлари ва уни ўрганиш услублари, шунингдек алоҳида аҳоли гуруҳларининг юқумли касалликлар билан касалланишларининг олдини олиш, касалланиш кўрсаткичларини камайтириш ва айрим касалликларни батамом тугатиш мақсадида олиб бориладиган эпидемияга қарши чора-тадбирлар мажмуаси ва уларни ўтказилишини ташкил қилиш ҳақидаги билимлар тизимидир.

Фаннинг ўрганиш соҳаси – аҳолининг касалланиши, интенсивлиги жиҳатидан хилма хил бўлган атроф муҳит омилларининг фенотипик ва генотипик жиҳатидан гетероген ва шу омиллар таъсирига мойиллик даражаси динамик тартибда ўзгарувчан

бўлган аҳоли жамоаси (популяцияси) билан ўз аро муносабати натижасидир.

Эпидемиология фанини ўқитишда халқаро тажрибалар, Умумжаҳон тиббий таълим федерацияси тавсиялари ва Ўзбекистон Республикасида аҳолининг касалланиши ва ногиронлиги даражасини камайтирилишига, шунингдек эрта ўлимнинг олдини олишга таъсир эта оладиган мутахассислар тайёрлашни кўзда тутди.

Республикамизда эпидемиология фанининг ҳозирги замон тараққиети даражаси ва тиббий-санитария ёрдам концепцияси асосий ҳолатларининг аҳоли касалланишининг олдини олиш яъни профилактикасига таалуқли ҳолати асосидаги Ўзбекистон Республикаси талаб доирасини эътиборга олган ҳолда тузилган.

Шуни таъкидлаш лозимки, таълим тизими Эпидемиология фани профессор-ўқитувчилари зиммасига алоҳида вазифа юклайди. Эпидемиологияни ўқитишдан, таълим ва тарбия беришдан мақсад келажакда Ватанимизга садоқатли, билимли, ўз ватани учун ифтихор туйғуси шакланган, бой миллий маданий-тарихий анъаналарга ва халқимизнинг интеллектуал меросига ҳурмат билан қарайдиган, комил инсон кадрларни тарбиялаб етиштиришдан иборатдир.

Шу билан биргаликда Эпидемиологияни ўргатиш жараёнида талабада юртимизда амалга оширилаётган тиббиёт соҳасидаги ислохотлар жараёнидан хабардор бўлишни ва бу жараёнларни фаол кузатиб боришни ҳамда унга боғлиқ фикр мулоҳазаларини мустақамлашни талаб этади. Биз таълим самарадорлигини оширувчи омилларни тўхтовсиз таҳлил қилиш, мутахассисларнинг узлуксиз малакасини ошириш ҳамда қўйиладиган услубларнинг нечоғлик мослигига тўғри баҳо бериш тамойилларини белгилашимиз ва таълимнинг олинishi зарур бўлган натижасини ифодалай олиши-мизга кўрсатадиган йўл ҳисобланади.

Мана шу тамойилларга таяниб таълим жараёни самарали бўлишини таъминлайдиган технология янги педагогик технология ҳисобланади. Олий таълимни амалга ошириш жараёнига янги педагогик технологияларни киритиш қуйидагиларга асосланади:

- Олий таълим жараёнида иштирок этувчи ўқувчи шахси устиворлигини таъминлаш;
- Олий таълим мақсадининг натижага эришувини (кафолатланганлигини) амалга ошириш;
- Олий таълим жараёни бошқарилувчи жараён эканлигидан келиб чиққан ҳолда унинг мақсадли бошқарилувига эришиш;
- Олий таълим мазмунини таъминловчи восита, усул шакллари техно-логиясини ягона бир тизимга келтириш.

Эпидемиология фанини ўқитишдаги илғор хорижий тажрибалар:

Ўқитиш жараёнини замон талаб даражасига кўтаришнинг асосий омили бу инновацион таълим технологиялари ва олий таълимни модернизациялашдир. Инновацион таълим технологияларининг мақсади: Назарий ва амалий машғулотларни режалаштириш технологиялари бўйича билим, кўникма ва малакаларни такомиллаштириш.

Талабалар мавзуни инновацион технологиялар усулида ўрганиш натижасида қуйидаги билим, кўникма ва малакаларга эга бўладилар:

- “назарий дарс” ва “амалий машғулот” га таъриф бера олади;
- педагогик жараён элементларини санаб берадилар;
- таълим берувчининг дидактик ҳатти-ҳаракатлари мавзусини тушунтириб бера олади;
- ўқитиш ва ўқиш циклининг босқичларини фарқлай олади;
- ўқув мақсадларини турлари бўйича ажрата олади;

Америкалик психолог олим Бенджамин Блум томонидан яратилган “Блум таксономияси” ни ўрганиш даражаси 6 поғонадан иборат бўлиб, когнитив ўқув мақсадлари соҳаси ушбу поғоналар бўйича фарқланади.

«Билиш» даражаси когнитив соҳанинг энг қуйи босқичи бўлиб, у тушунчалар, далиллар ва тамойилларни эслаш демакдир. Бу босқичда шахс ўзлаштирилган билимларини хотирада сақлаши ва эслаши, уларни номлаши ва айтиб бера олиши керак.

«Тушуниш» босқичида ўзлаштирилган билимлар моҳияти ойдинлаштирилади ва англаб етилади.

«Қўллаш» босқичида ўзлаштирилган назарий билимлар турли шаклларда қўлланилади.

«Таҳлил» босқичи шахсга ўзлаштирилган билимларни таҳлил қилиш имконини беради.

«Синтез» босқичи шахсга ўзлаштирилган билимларни ўзаро бир-бирига боғлаш ва умумий алоқадорликларни аниқлаш имконини беради.

«Баҳолаш» даражаси энг юқори босқич ҳисобланади. Бу босқич олинган билимлар асосида маълум қадриятларга таалуқли ҳолатларни баҳолаш, қарор қабул қилиш, муаммоларни ҳал қилиш ва баҳолаш мезонларини яратиш кўникмаларини ўзлаштиришни назарда тутади.

Эпидемиология фанини лойиҳалаштиришда қуйидаги асосий концептуал ёндошувлардан фойдаланилади:

Шахсга йўналтирилган таълим. Бу таълим ўз моҳиятига кўра таълим жараёнининг барча иштирокчиларини тўлақонли ривожланишларини кўзда тутади. Бу эса таълимни лойиҳалаштирилаётганда, албатта, маълум бир таълим олувчининг шахсини эмас, аввало, келгусидаги мутахассислик фаолияти билан боғлиқ ўқиш мақсадларидан келиб чиққан ҳолда ёндошишни назарда тутади.

Тизимли ёндошув. Таълим технологияси тизимнинг барча белгиларини ўзида мужассам этиши керак: жараённинг мантиқийлиги, унинг барча бўғинларини ўзаро боғланганлиги, яхлитлиги.

Фаолиятга йўналтирилган ёндошув. Шахснинг жараёнли сифатларини шакллантиришга, таълим олувчининг фаолиятини фаоллаштириш ва интенсивлаштириш, ўқув жараёнида унинг барча қобилияти ва имкониятлари, ташаббускорлигини очишга йўналтирилган таълимни ифодалайди.

Диалогик ёндошув. Бу ёндошув ўқув муносабатларини яратиш заруриятини билдиради. Унинг натижасида шахснинг ўз-ўзини фаоллаштириши ва ўз-ўзини кўрсата олиши каби ижодий фаолияти кучаяди.

Ҳамкорликдаги таълимни ташкил этиш. Демократик, тенглик, таълим берувчи ва таълим олувчи фаолият мазмунини шакллантиришда ва эришилган натижаларни баҳолашда биргаликда ишлашни жорий этишга эътиборни қаратиш заруригини билдиради.

Муаммоли таълим. Таълим мазмунини муаммоли тарзда тақдим қилиш усули таълим олувчи фаолиятини активлаштиради. Бунда илмий билимни объектив қарама-қаршилиги ва уни ҳал этиш усулларини ижодий тарзда қўлланилиши диалектик мушоҳадани шакллантиради ва ривожлантиради натижада талабани мустақил ижодий фаолияти таъминланади.

Ахборотни тақдим қилишнинг замонавий восита ва усулларини қўллаш – янги компьютер ва ахборот технологияларини ўқув жараёнига тадбиқ этиш.

Ўқитишнинг усуллари ва техникаси. Маъруза (кириш, мавзуга оид, визуаллаш), муаммоли таъ-

лим, кейс-стади, пинборд, парадокс ва лойиҳалаш усуллари, амалий ишлар.

Ўқитишни ташкил этиш шакллари: диалог, полилог, мулоқот ҳамкорлик ва ўзаро ўрганишга асосланган фронтал, коллектив ва гуруҳ.

Ўқитиш воситалари ўқитишнинг анъанавий шакллари (дарслик, маъруза матни) билан бир қаторда – компьютер ва ахборот технологиялари.

Коммуникация усуллари: тингловчилар билан оператив тескари алоқага асосланган бевосита ўзаро муносабатлар.

Тескари алоқа усуллари ва воситалари: кузатиш, блиц-сўров, оралиқ, жорий ва якуний назорат натижаларини таҳлили асосида ўқитиш диагностикаси.

Бошқариш усуллари ва воситалари: ўқув машғулоти босқичларини белгилаб берувчи технологик харита кўринишидаги ўқув машғулотларини режалаштириш, қўйилган мақсадга эришишда ўқитувчи ва талабанинг биргаликдаги ҳаракати, нафақат аудитория машғулотлари, балки аудиториядан ташқари мустақил ишларнинг назорати.

Мониторинг ва баҳолаш: ўқув машғулотида ҳам бутун цикл давомида ҳам ўқитишнинг натижаларини режали тарзда кузатиб бориш. Курс охирида препаратлар диагностикаси ва тест топшириқлари ёрдамида талабаларнинг билимларини баҳолаш. “Эпидемиология”, “ҳарбий эпидемиология” фанини ўқитиш жараёнида компьютер технологиясидан, ўргатувчи компьютер дастурларидан фойдаланилади, мавзулар бўйича тарқатма материаллар тайёрланади. Талабалар билимини баҳолаш оғзаки, компьютерли тест шаклларида амалга оширилади.

Адабиётлар

1. Миртазаев О.М. Эпидемиологиядан амалий машғулотлар учун ўқув қўлланма. Тошкент – 2016 й.

2. Рахмонова Ё.Р., Абдуқахарова М.Ф., Неъматова Н.Ў. Тиббиётда педагогик технологиялар: ўқув қўлланма. Тошкент 2018 йил.

3. Матназарова Г.С., Миртазаев О.М., Мустанов А.Ю., Неъматова Н.Ў. Эпидемиология фанида ўқитишнинг интерфаол усуллари қўллаш. Тошкент 2018 йил.



AKUSHERLIK VA GINEKOLOGIYADA KLINIK KO'NIKMALARNI O'ZLASHTIRISHGA INNOVATSION YONDASHUVLAR

Najmutdinova D.K., Juraeva G.T.

ИННОВАЦИОННЫЕ ПОДХОДЫ К ОВЛАДЕНИЮ КЛИНИЧЕСКИМИ НАВЫКАМИ В АКУШЕРСТВЕ И ГИНЕКОЛОГИИ

На;мутдинова Д.К., Джураева Г.Т.

INNOVATIVE APPROACHES TO MASTERING CLINICAL SKILLS IN OBSTETRICS AND GYNECOLOGY

Najmutdinova D.K., Juraeva G.T.

Тошкент тиббиёт академияси

Akusherlik va ginekologiya (qon ketishining oldini olish) yo'nalishi bo'yicha talabalar tomonidan birinchi tibbiy yordam ko'rsatish ko'nikmalarini egallash sifatini oshirish maqsadida uch bosqichdan iborat mahorat darsi o'tkaziladi: amaliy ko'nikmalarni namoyish etish, malaka oshirish va o'qituvchi tomonidan baholash. Amaliy ko'nikma - «Natali simulyatori» va ko'ngillilar yordamida haqiqiy vaziyatda qon ketish uchun birinchi yordam ko'rsatish. Shu bilan birga, har bir malakaning o'zlashtirilishi ongsiz kompetentsiya darajasiga, ya'ni avtomatizmga olib kelishi kerak.

Kalit so'zlar: birinchi yordam ko'rsatish ko'nikmalari, «Natali stimulyatori», ongsiz kompetentsiya darajasi.

С целью повышения качества овладения навыками первой помощи студентами в акушерстве и гинекологии (профилактика кровотечения) проводится мастер-класс, состоящий из трех этапов: демонстрация практических навыков, тренировка навыка и оценка со стороны преподавателя. Практический навык состоит в том, чтобы оказать первую помощь при кровотечении в реальной ситуации с помощью «симулятора Натали» и волонтеров. При этом овладение каждым навыком необходимо довести до уровня неосознанной компетенции, то есть до автоматизма.

Ключевые слова: навыки первой помощи, «симулятор Натали», уровень неосознанной компетенции.

In order to improve the quality of mastering first aid skills by students in obstetrics and gynecology (bleeding prevention), a master class is held, consisting of three stages: demonstration of practical skills, skill training and assessment by the teacher. The practical skill is to provide first aid for bleeding in a real situation with the help of «Natalie's simulator» and volunteers. At the same time, the mastery of each skill must be brought to the level of unconscious competence, that is, to automatism.

Key words: first aid skills, «Natalie's stimulator», level of unconscious competence.

Замонавий шароитда олий таълим сифатига кўйилладиган талаблар ўзгармоқда, таълим соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширишнинг янги ривожланиш тенденциялари ва вазифалари пайдо бўлмоқда. Олий ўқув юртининг долзарб вазифаси дунёда рўй бераётган ўзгаришларга ностандарт, мослашувчан ва ўз вақтида жавоб бера оладиган мутахассисларни тайёрлашдан иборат [1]. Тиббий муассасаларнинг юқори малакали кадрларга бўлган еҳтиёжи ва диагностика ва даволаш усуллари доимий равишда такомиллаштириш, инновацион технологияларни жорий этиш тиббиёт университетларида ўқитиш тизимини доимий такомиллаштириш ва клиник кўникмаларини асослари долзарблигини белгиловчи енг муҳим омил ҳисобланади. Таълимнинг интерфаол шаклларининг мақсадлари қуйидагилардир: талабаларнинг қизиқишини уйғотиш; ўқув материални самарали ўзлаштириш; вазифани ҳал қилиш йўллари ва вариантларини мустақил излаш; талабаларни амалий кўникмаларни эгаллашда профессионализм, талабанинг онгли компетенцияси яъни автоматизм даражасига еришиш, бу билан бирга беморлар билан ишлаш қобилияти ривожлантириш, ҳамда ҳаёт ва касбий кўникмаларни шакллантириш [2]. Ўзбекистон республикасида оналар ўлими тизимида ҳомиладорлик, туғруқ ва чилла даврида қон кетиш биринчи ўринни эгаллайди, бунинг асосий саба-

би тиббий ходим томонидан акушерлик ва гинекологияда қон кетишда йўқотилган қон миқдорини нотўғри баҳолаш ва етарли даражада биринчи ёрдамни кўрсата олмаслик [3].

Мақсад

Оналар ўлимнинг олдини олишда акушерлик қон кетишида талабаларга биринчи ёрдам кўрсатиш кўникмасини компетентлик даражасига етказиш.

Вазифалар:

- тасвирли тақдимот компонентлари, интерактив таълим усуллари ва саволлар бериш тамойилларини қўллаган ҳолда мавзуни назарий қисмини ёритиб бериш;

- инновацион ёндашув: Талабаларнинг билим ва кўникмаларини ошириш учун: маҳорат дарси – «Натали симулятори» ва волонтерлар ёрдамида реал вазиятни маъруза вақтида намойиш қилиш;

- асосий амалий кўникмаларни «Намойиш-машқ баҳолаш» тамойилларига риоя қилган ҳолда ҳар бир талабани англамаган компетентлик, яъни автоматизм даражасига етказиш;

- амалий кўникмаларни бажариш бўйича билимларни ошириш ва малакалари ўзлаштириш даражасини аниқлаш учун баҳолаш усуллари кўриб чиқиш.

Акушерлик қон кетишларда биринчи ёрдам кўрсатишни талабаларга учта bosqichdan иборат: амалий кўникмани намойиши, кўникмани ўзлаштириш

учун талабалар машқ қилиши ва педагог томонидан баҳолаш.

1 босқич: Намойиш: амалий кўникма махорат дари орқали олиб борилади ва ушбу дарс икки қисмдан иборат:

1 қисм: Ўзини ўзи англаш! Талабаларга йўқотилган қон миқдорини тўғри баҳолашни ўргатиш: 1) иштирокчилар 10 та станцияда тайёрланган турли ҳажмдаги қон миқдорини баҳолаб аноним ҳолда ёзиб топширишлари керак. 2) натижаларни тақдирот қилиб, талабалар ўзларининг йўқотилган қон миқдорини баҳолашдаги хатоларини англашга ва уларни стандартга асосланган ҳолда тўғри баҳолашга ўргатилади.

2 қисм: Қон кетишда биринчи ёрдам кўрсатиш амалий кўникмасини намоишининг компонентлари “Бутун-қисм-бутун” тамойилига асосланган: талабалар кўникмани бошидан охиригача кўриб оладилар, бунда акушерлик қон кетишида биринчи ёрдам амалиётини ўқитувчи волонтерлар ёрдамида намоиш қилиши.

• **Бутун:** Қадамма-қадам ўқув қўлланмадаги стандарт қадамларни талабаларга ўқитиш ва кўникмани “Натали симулятори” ва волонтерлар ёрдамида реал вазиятни бошидан охиригача кўрсатиш.

• **Қисм:** Талабаларнинг истакларига қараб ёки ўқитувчи ўзи белгиланган кўникманинг энг қийин қисмларини яна бир бор намоиш қилади

• **Бутун:** Ўқитувчи кўникмани бошидан охиригача тўлиқ намоиш қилади, талаба ўқув қўлланма ёрдамида кузатиб боради

2 босқич: Машқ қилиш: Стандарт ўқув қўлланма ёрдамида талабалар тренировка қилишади педагог-тренер ёрдамчи. Кичик гуруҳларда кўникмаларни симулятор ва муляж ёрдамида машқ қилиш, зарур бўлса бир неча марта такрорланади.

3 босқич: Баҳолаш: Машқ қилингандан сўнг талаба тайёр бўлгандан кейин баҳолаш босқичига ўтади; Тренер назорат қўлланмаси ёрдамида талабанинг кўникмани қадамма-қадам бажаришини кузатади;



Назорат қўлланма фақат асосий қадамлардан тузилган ва ҳар бир қадамни талаба бажариши шарт – бу унинг компетентлик даражасини аниқлайди.

Қон кетишда биринчи ёрдам кўрсатиш кўникмасини реал шароитда талабалар томонидан намоиш қилиш вазиятининг симуляцияси ёрдамида ҳар бир талаба компетентлик даражаларидан ўтади:

- анланмаган нокомпетентлик
- анланган нокомпетентлик
- анланган компетентлик
- анланмаган компетентлик – автоматизм даражаси.

Бизнинг мақсадимиз ҳар бир талабани амалий кўникмаларни бажаришда, яъни акушерликда қон кетишда кўрсатиладиган биринчи ёрдамни компетентлик, яъни автоматизм даражасига етказиш!

Адабиётлар

1. Просекова Е.В., Сабыныч В.А., Забелина Н.Р. Актуальные вопросы преподавания дисциплины клиническая лабораторная диагностика в медицинском вузе. Лабораторная служба. 2017;6(4):1518.
2. Rick Sullivan, Ron Magarick, Noel McIntosh. Клиник кўникмаларни ўқитиш усуллари. JNPIEGO corporation 2008.
3. Internet: medistinskiy sayti :www: tma.uz;
4. www.medi.ru, www.medlinks.ru, www.obgyn.net.
5. <http://www.eurasiahealth.org/attaches/80/8064/225.doc>

ДИАЛОГОВАЯ ТЕХНОЛОГИЯ В ОБРАЗОВАТЕЛЬНОМ ПРОЦЕССЕ

Норкулов С.Д., Атамуратова Ф.С.

TA'LIM JARAYONIDA DIALOG TEXNOLOGIYASI

Norqulov S.D., Otamuratova F.S.

DIALOGUE TECHNOLOGY IN THE EDUCATIONAL PROCESS

Norkulov S.D., Atamuratova F.S.

Ташкентская медицинская академия

Статья посвящена педагогической технологии – диалогу, которая учитывает, в первую очередь, индивидуальные способности и познавательные возможности каждого студента. Раскрываются особенности диалоговой технологии, такие как вариативность, гибкость и открытость; ее возможности в повышении эффективности образовательного процесса; определённые правила, которых студент обязан придерживаться; воспитательное значение, которые позволят выработать личностные качества, такие как взаимопомощь, толерантность, умение слушать товарищей, уважать их взгляды, свободно выражать собственную позицию. Кроме того, в статье приведен пример проведения диалоговой технологии на предмете «Философия» в изучении темы «Философия человека».

Ключевые слова: диалог, философия, образование, педагогические технологии, студент, преподаватель.

Maqola pedagogik texnologiyaga bag'ishlangan - suhbat, birinchi navbatda, har bir o'quvchining individual qobiliyatlari va kognitiv imkoniyatlarini hisobga oladi. Dialog texnologiyasining o'zgaruvchanlik, moslashuvchanlik va ochiqlik kabi xususiyatlari ochib beriladi; uning ta'lim jarayoni samaradorligini oshirish qobiliyati; talaba rioya qilishi kerak bo'lgan ba'zi qoidalar; o'zaro yordam, bag'rikenglik, o'rtoqlarni tinglash, ularning fikrlarini hurmat qilish, o'z pozitsiyasini erkin ifoda etish kabi shaxsiy fazilatlarini rivojlantirishga imkon beradigan tarbiyaviy ahamiyatga ega. Bundan tashqari, maqolada «Inson falsafasi» mavzusini o'rganishda «Falsafa» fanidan dialog texnologiyasini o'tkazish misoli keltirilgan.

Калит so'zlar: dialog, falsafa, ta'lim, pedagogik texnologiyalar, talaba, o'qituvchi.

The article is devoted to pedagogical technology - a dialogue, which takes into account, first of all, the individual abilities and cognitive abilities of each student. The features of the dialogue technology are revealed, such as variability, flexibility and openness; its ability to improve the efficiency of the educational process; certain rules that the student must adhere to; educational value, which will allow developing personal qualities, such as mutual assistance, tolerance, the ability to listen to comrades, respect their views, freely express their own position. In addition, the article provides an example of conducting a dialogue technology on the subject "Philosophy" in the study of the topic "Human Philosophy".

Key words: dialogue, philosophy, education, pedagogical technologies, student, teacher.

Одним из важнейших вопросов современной системы образования Узбекистана является вопрос использования новых педагогических технологий, суть которых заключается в повышении эффективности и качества обучения, социальной и трудовой активности студентов. Сегодня разработаны многие виды интерактивных методов, которые заинтересуют и вовлекут в процесс обучения даже самого пассивного студента, помогут быть самостоятельным и творчески подходить к решениям задач.

Одним из таких педагогических технологий является диалоговая технология. В результате внедрения диалоговой технологии в обучении произошёл переход от традиционно сложившейся, односторонней модели обучения, к личностно ориентированной модели. То есть эта модель направлена учитывает, в первую очередь, индивидуальные способности и познавательные возможности каждого студента. Ещё Цицерон утверждал, что «*наилучший оратор тот, который своим словом и научает слушателей, и доставляет удовольствие, и производит на них сильное впечатление. Учить – обязанность оратора, доставлять удовольствие - честь, оказываемая слушателю, производить же сильное впечатление - необходимость*» [1]. Здесь явно очевидны

характеристики субъект-субъектного обучения, которая позволяет создать комфортную, творческую атмосферу для организации субъект-субъектного взаимодействия участников образовательного процесса. Отличительными особенностями предложенной системы являются её вариативность, гибкость и открытость. В диалоговой технологии студенты под руководством преподавателя осуществляют обмен информацией, мнениями, учатся отстаивать свои точки зрения. Эта форма способствует формированию знаний в различных областях и ведет к выработке позиции [2].

Впервые этот метод был использован древнегреческим философом Сократом. Диалог Сократа предполагал непосредственный контакт собеседников, совместный поиск истины в ходе бесед и споров. Сократ считал жизнь вне диалогов, обсуждений и исследований бессмысленной. Свои приёмы исследования Сократ сравнивал с «искусством повивальной бабки» (майевтика). Его метод вопросов, предполагающих критическое отношение к догматическим утверждениям, получил название «сократовской иронии». Свои мысли Сократ не записывал, полагая, что это ослабляет память. А своих учеников приводил к истинному суждению через диалог, где

задавал общий вопрос, получив ответ, задавал следующий уточняющий вопрос и так далее до окончательного ответа. При этом оппонент, познавая себя, часто сам вынужден был признать, что смешон.

Ситуация диалога представляет собой идеальные условия для изучения ряд дисциплин, в том числе и философии. Передавая, высказывая какое-либо суждение своему собеседнику в диалоге, человек не просто говорит о том, что пришло ему в голову, он обращается к сути того, о чем говорит. Таким образом, получается, что диалог происходит на более глубоком уровне, чем просто обмен информацией. Поэтому, педагогическая технология «Диалог» позволяет:

- учитывать личностные особенности студентов в процессе обучения;
- развивать логическое и творческое мышление студентов;
- активизировать самостоятельную познавательную деятельность студентов;
- развивать у студентов способности выполнять такие операции как анализ, синтез, сравнение, сопоставление, и т. д.;
- учитывать возрастные особенности студентов;
- формировать у студентов научное мировоззрение;
- повышать эффективность образовательного процесса.

Для организации диалога процессе обучения необходимо найти противоречия и проблемы в учебном материале, сформулировать основные требования к ведению диалога, подобрать специальные задания, выбрать форму и структуру диалога. Как и все педагогические технологии, диалоговая технология тоже имеет свои определённые правила:

- формулировка темы должна содержать проблему как основу для обсуждения (очевидные факты и явления);
- в совместной работе нет «актёров» и «зрителей», все - «участники»;
- каждый член микрогруппы заслуживает того, чтобы его выслушали не перебивая;
- следует говорить так, чтобы быть понятым, высказываться непосредственно по теме, избегать лишней информации;
- если прозвучавшая информация не вполне ясна, можно задавать вопросы «на понимание, уточнение» и только после этого делать выводы;
- критикуются идеи, а не личности;
- цель совместной деятельности - не в «победе» какой-либо одной точки зрения, а в возможности найти наилучшее решение, узнав разные мнения по проблеме [3].

Хотим привести конкретный пример использования диалоговой педагогической технологии в изучении темы: «Философия человека».

А) В начале урока преподаватель задает индивидуальное фокусирующее задания. Поразмышлять над высказываниями известных мыслителей и изложить свою точку зрения. Например, высказывания:

В цепи человек стал последним звеном,
И лучшее все воплощается в нем,
Как тополь, вознесся он гордой главой,
Умом одаренный и речью благой,
Вместилище духа и разума он,
И мир бессловесный ему подчинен.

Фирдоуси

«Самый главный предмет в мире - человек, ибо он для себя самая последняя цель».

И. Кант

«Мы являемся первой эпохой, в которой человек полностью и без остатка проблематичен».

Шелер

Студенты высказывают свои мнения. Идет диалог между студентами и преподавателем.

Б) Преподаватель, сообщает, что дальнейшая работа будет продолжена в мини-группах. Делит обучающихся на три группы и раздает вопросы диалога:

1. Почему происхождение человека и до сегодняшнего времени во многом представляется загадочным?
2. Как соотносятся понятия «сущность» и «существование»?
3. Проблема биологического и социального. Какое из этих начал доминирует?
4. Как можно произвести философский анализ вопроса, зачем я живу?
5. Имеет ли человек право на жизнь и право на смерть? Возможна ли смерть при жизни?

Преподаватель контролирует, направляет ход учебной деятельности. Проводит коллективное обсуждение результатов работы. Студенты высказывают свои мнения. Идет диалог между студентами.

В) Преподаватель дает индивидуальные задания: расположить приведенные характеристики человека и его возможности в таблице.

Чему нельзя научиться	Чего не вернуть

Характеристики человека: благонравие, жизнь, талант, святость, смелость, ум, решительность, здоровье, молодость, очарование, добрая репутация, мудрость, доброта, религиозность, сказанное слово, верность, любовь, исполнительность, трудолюбие, сила воли, аккуратность, разум, страсть.

Преподаватель организует коллективную проверку задания. Идет одновременно, диалог между студентами и преподавателем, и между студентами.

Г) В конце урока преподаватель подводит итоги индивидуальной и групповой работы. Отмечает достигнутые результаты учебной деятельности. Оценивает студентов.

Интересно проходят уроки философии по проблемам: «Эвтаназия: за и против», «Глобальные проблемы современности: поиск путей решения», «Возможно ли создание искусственного интеллекта?», «Свобода и ответственность: проблема соотношения» и др.

Педагогическая технология «Диалог» позволит преподавателю:

- использовать разнообразные групповые и индивидуальные виды деятельности в процессе формирования научных понятий;

- развивать способности студентов оперативно применять полученные знания в процессе познавательной и практической деятельности (проблемное изложение материала, исследовательские задания, выполнение проектов);

- учитывать личностные особенности студентов (интересы, предпочтения, наглядно-образное, наглядно-действенное и абстрактно-логическое мышление, память, воображение);

- осуществлять формирование научных понятий на основе системного подхода;

- формировать научное мышление студентов (формировать умение оперировать диалектическими противоречиями, выявлять и анализировать взаимосвязи между понятиями, объяснять материал, опираясь на факты, полученные эмпирическим путём, раскрывать сущность явлений);

- формировать у студентов современное научное мировоззрение (создавать у студентов определённые системные знания о природе и процессе её познания, раскрывать качественную сторону формируемого понятия, рассматривать положения философского характера, показывать эволюцию знания);

- осуществлять рефлексивный контроль (помогать студентам проанализировать все предыдущие действия при формировании научных понятий и осознать результат выполненных действий, определить и сравнить изучаемое понятие с другими, насколько оно трудно в усвоении, какие трудности у них возникли в процессе изучения).

В ходе диалога формируется речевая культура, навыки публичного выступления и обсуждения

проблем, личностные качества, такие как, взаимопомощь, терпимость к другим позициям и мнениям - толерантность, умение слушать товарищей, уважение их взглядов, свободное выражение собственной позиции [4].

Все это позволит студентам подняться на новый качественный уровень в освоении понятий; повысить качество знаний по каждой теме и сформировать современную картину мира; выработке таких качеств мышления, как всесторонность рассмотрения теорий, умение вскрывать противоречия, развивать в процессе обучения творческие, самостоятельные и нестандартные мысли; ориентироваться в пространстве информации; повышать интеллектуальный потенциал.

На наш взгляд, без диалога в обучении не обойтись. Хотелось бы, чтобы педагогическая технология «Диалог» наиболее широко использовалась в изучении философии. Так как, живое слово, непосредственное общение, ответная реактивность, открытая эмоциональность, умелая коррекция течения беседы, познавательная мобильность и нацеленность на результат позволит наиболее эффективному обучению философии.

Литература:

1. Цицерон Марк Тулий. Трактаты. – М., 1997. – С.178.

2. Жукова Т.В. Дискуссия как форма преподавания общественных дисциплин в вузе // Организация УД: проблемы и перспективы. Доклады всероссийской научной конференции. - Наб. Челны, 1997. – С.73 – 75.

3. Белов С.В. Диалог – основа профессии учителя. – М., 2002. – С.12.

4. Дебаты: Учебно-методический комплект. - М.: Изд-во «Бонфи», 2001. – С. 296.



COVID-19 ПАНДЕМИЯСИ ДАВРИДА ОНЛАЙН МАШҒУЛОТЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ САМАРАДОРЛИГИ ВА НАТИЖАЛАРИ

Рахмонова Г.Э., Тешаев О.Р.

ЭФФЕКТИВНОСТЬ И РЕЗУЛЬТАТЫ ОНЛАЙН-ОБУЧЕНИЯ ВО ВРЕМЯ ПАНДЕМИИ COVID-19

Рахмонова Г.Э., Тешаев О.Р.

EFFICIENCY AND RESULTS OF ONLINE LEARNING DURING THE COVID-19 PANDEMIC

Rakhmonova G.E., Tashaev O.R.

Тошкент тиббиёт академияси

COVID-19 пандемияси жамиятга чуқур таъсир кўрситиб мактаб, коллеж ва университетларнинг вақтинча ёпилишига олиб келди. Талабалар ҳафталар баъзан ойлар давомида ноаниқлик ва саросимада уйда қолиб кетишди. Мактаб ўқувчилари учун эса синфлар ҳар куни, баъзан кунига бир неча соат давомида экран ортида кузатилиши керак эди. Таълим муассасаларида вазиятга мослашиш ва дарҳол чора тадбирларга ўтишдан бошқа йўл қолмаган эди. Масофавий таълимга тезкорлик билан ўтиш, баҳолаш жараёнларини қайта ташкил этиш, шунингдек, талабаларни масофадан туриб қўллаб-қувватлаш ушбу масалалар жуда қисқа вақт ичида ҳал қилишлари керак бўлган қутилмаган муаммолардан эди. COVID-19 инқирози таълим тизимларининг қийин трансформациясини келтириб чиқарди ва онлайн таълимнинг катта аҳамиятини таъкидлади.

Калит сўзлар: COVID-19, пандемия, масофавий таълим, таълим трансформацияси, онлайн баҳолаш, рақамли таълим, гибрид таълим.

Пандемия COVID-19 оказала глубокое влияние на общество, приведя к временному закрытию школ, колледжей и университетов. Студенты оставались дома неделями, а иногда и месяцами в неуверенности и замешательстве. Школьникам приходилось наблюдать за занятиями за ширмой каждый день, иногда по несколько часов в день. Образовательным учреждениям ничего не оставалось, как приспособиться к ситуации и принять незамедлительные меры. Быстрый переход на дистанционное обучение, реорганизация процессов оценивания, а также удаленная поддержка студентов были одними из неожиданных вызовов, которые пришлось решать в очень короткие сроки.

Кризис COVID-19 привел к сложной трансформации систем образования и подчеркнул важность онлайн-образования.

Ключевые слова: COVID-19, пандемия, дистанционное образование, трансформация образования, онлайн-оценка, цифровое образование, гибридное образование.

The COVID-19 pandemic has had a profound impact on society, leading to the temporary closure of schools, colleges and universities. Students stayed at home for weeks, and sometimes months, in uncertainty and confusion. School-children had to watch classes behind a screen every day, sometimes for several hours a day. Educational institutions had no choice but to adapt to the situation and take immediate action. The rapid transition to distance learning, the reorganization of assessment processes, as well as remote support for students were some of the unexpected challenges that had to be addressed in a very short time.

The COVID-19 crisis has brought about a complex transformation of education systems and highlighted the importance of online education.

Key words: COVID-19, pandemic, distance education, educational transformation, online assessment, digital education, hybrid education.

С COVID-19 пандемияси жамиятга чуқур таъсир кўрсатиб мактаб, коллеж ва университетларнинг вақтинча ёпилишига олиб келди. Талабалар ҳафталар баъзан ойлар давомида ноаниқлик ва саросимада уйда қолиб кетишди. Мактаб ўқувчилари учун эса синфлар ҳар куни, баъзан кунига бир неча соат давомида экран ортида кузатилиши керак эди. Таълим муассасаларида вазиятга мослашиш ва дарҳол чора тадбирларга ўтишдан бошқа йўл қолмаган эди [5]. Масофавий таълимга тезкорлик билан ўтиш, баҳолаш жараёнларини қайта ташкил этиш, шунингдек, талабаларни масофадан туриб қўллаб-қувватлаш ушбу масалалар жуда қисқа вақт ичида ҳал қилишлари керак бўлган қутилмаган муаммолардан эди [7,10,11].

Европадаги талабаларнинг айрим қисмлари муносиб интернетга уланиш имконига эга эмас эди, бу эса онлайн таълим олишнинг муаммоларига са-

баб бўлди. Дарҳақиқат, интернет алоқасининг яхши эмаслиги дунё талабалари орасида дарсларни нормал кузатиш қобилиятига ҳам, уларнинг баҳоларига ҳам таъсир қилди [6].

Ковид пандемияси университетлардан ташқарида ўтказиладиган амалиётлар учун бутун дунё бўйлаб таълим тизимларида катта ўзгаришларга олиб келди. Ўқитиш рақамли платформаларда масофадан туриб олиб борилди. Европа Университетлар Ассоциацияси маълумотларига кўра, пандемия даврида университетларнинг 95 фоизи масофавий таълимга оʻтган [11]. Ажабланган ўқитувчилар ва талабалар ўзларининг таълим муҳитини ўзгартиришлари ва мослашишлари керак бўлди. Кўпчилик вазият бир неча ҳафта давом этишига ишонишган, кейин ҳаммаси нормал ҳолатга қайтади. Шундай қилиб, ўқитувчилар ва талабаларга тақдим этилган

ечимлар ҳақиқий онлайн таълим воситаларидан кўра кўпроқ «фавқулдда масофавий ечим» эди [9].

ЮНЕСКО маълумотларига кўра, пандемия бошланишидан олдин дунё миқёсидаги мамлакатларнинг атиги 20 фоизи онлайн ўқитиш мосламалари ва дастурлари билан жиҳозланган. Шубҳасиз, мактаб тизимлари рақамли тайёрланмаган, бу Европа бошья мамлакатларнинг рақамли таълимнинг умумий заифлигини очиб берди. Аслида, суровномалар томонидан эълон қилинган маълумотлар шуни кўрсатдики, респондентларнинг атиги 6 фоизи ўз таълим тизимини пандемияга тайёр деб баҳолаган [10].

Европа миқёсидаги ўрганилган суровномалар асосида аниқландики бундай чақириқларга жавоб ҳар бир мамлакатда турлича эди. Жумладан, Руминияда 2020-2021 йиллар оралиғида мактаблар ўртача 32 ҳафтага ёпилган, аммо 10 нафар ўқувчидан атиги 6 нафарига онлайн таълим берилган. Буюк Британияда ҳар бешинчи талаба онлайн таълимга кира олмади. Университетлар ва ўрта мактаблар тезроқ мослашишга муваффақ бўлишса ҳам, бу этарли натижа эмас эди [3].

Баъзи мамлакатлар, масалан, Швеция, бу муаммони ҳал қилиш учун кўпроқ тайёр эди. Ҳукумат пандемиядан олдин масофавий ва гибрид таълим шакллари ишлаб чиққан эди. Шу сабабли, кўплаб талабалар онлайн таълим платформалари билан аллақачон таниш эдилар, аммо масофавий таълим билан камроқ шуғулланишган эди.

COVID-19 пандемияси даврида онлайн таълим воситаларини мослаштириш жараёни. Зоом ёки Microsoft Teams каби видеоконференция платформалари мисли кўрилмаган экспоненсиал ўсишни бошдан кечирди: 2020-йилнинг март ва июн ойлари орасида фойдаланувчи жамоалар сони 894 фоизга ўсди. «Статиста» томонидан ўтказилган суровномалар шуни кўрсатдики, талабалар томонидан энг кўп фойдаланилган платформалар Classroom ва Зоом рақамли платформалари бўлиб чиқди.

Буюк Британияда You Gov томонидан 2021-йил феврал ойида ўтказилган тадқиқот шуни кўрсатдики, жонли видео дарслар ўқитишда 74% гача асосий восита бўлди, кейин эса 69% ҳолатларда веб-сайт ҳаволаларидан фойдаланилган [1].

Швецияда 2020-йилда чоп этилган тадқиқотда ўқитувчилар қайси рақамли платформалардан кўпроқ фойдаланаётгани кўриб чиқилди. Аниқланишича, Зоом, Google Met ва Teams каби видеоконференция алоқа платформалари ўқитувчиларнинг онлайн дарс бериши учун асосий воситалари бўлиб хизмат қилди. Олийгоҳ ўқитувчилари шунингдек, You tube -да жойлаштирилган олдиндан ёзиб олинган семинарлардан тез-тез фойдаланганлар. Талабалар билан мулоқот қилиш учун гуруҳ ишлари ва қайдлар алмашиш, Teams ва Google Classroom программаларидан фойдаланиш энг машҳур бўлди [3,4].

COVID-19 пандемияси даврида профессор – ўқитувчилар олдинги сафда бўлишган. Ўқитувчиларга ўқитиш одатларининг кескин ўзгариши ҳам чуқур таъсир кўрсатди.

Буюк Британияда Ирландия Миллий Рақамли Тажриба Сўрови шуни кўрсатдики, академикларнинг 70 фоизи инқироздан олдин онлайн ўқитишда мутлақо тажрибасиз бўлганлар. Гарчи You Gov маълумотларига кўра, ўқитувчиларнинг 87 фоизи ўз муассасаларидан ёрдам олганини айтишган.

Нисбатан тайёр бўлмаган таълим тизимларига қарамай, баъзи Европа мамлакатлари онлайн ўқитишда кўпроқ тажрибага эга бўлганлар. Ушбу мамлакатлар, Эстония, Финляндия, Исландия, Латвия, Литва, Швеция ва Норвегия ўзларининг рақамли таълим воситаларини йиғишга ва бошқа мамлакатлар билан илғор тажрибаларни алмашишга қарор тезроқ қарор чоралар кўришган.

Пандемияда онлайн дарс ўтиш кўплаб ўқитувчилар вазиятида уларни ўқитиш усулларида янада ижодий ва инновацион бўлишга ундаганини эътироф этишди [2].

COVID-19 пандемияси даврида онлайн таълим воситаларини мослаштириш жараёнидаги қийинчиликлар

Бир ярим йиллик масофавий таълимдан сўнг онлайн таълимнинг афзалликлари ва камчиликлари ҳақида ҳулоса чиқариш мумкин эди [8].

Университетлар томонидан ўтказилган суровномаларда 18 ёшдан 25 ёшгача бўлган талабалар учун ўтказилган тадқиқот шуни кўрсатдики, респондентларнинг 41,1 фоизи 1 соатдан кўпроқ вақт давомида концентрациясини ушлаб туrolмаслигини эълон қилган, 28,1 фоизи эса 2 соатдан кўпроқ вақт давомида диққатни жамлаш қийин деб ҳисоблаган. Аслида эътибор онлайн дарсларда айниқса, ўқитувчи ва талабалар ўртасидаги инсоний ўзаро муносабатларнинг етишмаслиги туфайли қийинроқ кўринди. Дарҳақиқат респондентларнинг 74,5 фоизи бошқа талабалар билан шахсий машғулотларга қараганда камроқ мулоқот қилишларини тасдиқладилар [6,7].

Талабалар, шунингдек, онлайн режимда гуруҳ ишларида қатнашиш қийинлигини ҳис қилишди. Ажабланарлиси шундаки, уларнинг 57 фоизи ҳақиқий ҳаётда учрашиш ва муҳокама қилишнинг иложи йўқлиги сабабли гуруҳ ишларига аралашишни истамасликларини тасдиқладилар. Ижтимоий алоқанинг етишмаслиги ҳақиқий ёлғизлик туйғусини келтириб чиқарган: талабаларнинг 62% онлайн таълимга рози бўлганлар ва бу ижтимоий ўзаро таъсирларни кескин қисқартирган [7].

Ўқитувчиларнинг тез мослашишига қарамай, талабаларнинг 68,7 фоизи репетиторлари билан ўзаро муносабатларнинг камайганини қайд этишди.

Бироқ пандемия даврида кескин вазиятни ҳисобга олган ҳолда

Пандемия даврида онлайн имтиҳонларни ташкил этиш. Онлайн имтиҳонлар масофавий таълимнинг яна бир муҳим муаммосидир. Ўқитувчилар ўз ўқувчиларини имтиҳондан ўтказишнинг янги усуллари излашлари керак эди, талабалар ўз эслатмаларидан фойдаланишларини ҳисобга олиб, адолатни таъминлаш ва алдашдан қочишлари керак эди. Натижада, масофавий имтиҳонларда фактик маълумотларни эслаб қолишдан кўра кўпроқ

фикр юритиш, таҳлил қилиш ва баҳслашишга эътибор қаратилда. Бироқ, онлайн имтиҳонлар ҳар бир талабага ёқмайди. Баъзилар қалам ва қоғоздан кўра жавобларини ёзишни қийинроқ деб билишди. Бу, шунингдек, заиф интернет алоқаси ёки яхши компьютернинг этишмаслиги билан боғлиқ бўлган бўлиши ҳам мумкин. Дарҳақиқат, Европа коллежи тадқиқотига кўра 2020 йил март ойида Страсбург университети 160 талабани аниқлади, уларда материаллар этишмаслиги (компьютер, интернет алоқаси) ўқишни давом эттириш ва имтиҳон топшириш қобилиятини хавф остига қўйди. Қолаверса, ҳамма талабаларнинг ўқиш ва имтиҳон топширишлари учун тинч хоналари мавжуд эмаслиги аниқланди. Европа Парламенти томонидан ўтказилган сўров натижаларига кўра: Одамларнинг 15,5 фоизи гавжум уйларда яшайдилар [12].

Европа Комиссияси 2021-2027 йилларга мўлжалланган рақамли таълим бўйича янги ҳаракат режасини ишга туширган. Ушбу режа орқали Комиссиянинг мақсади COVID-19 инқирозидан сабоқ олиш ва таълим тизимларини рақамли даврга мослаштириш булди. Ursula V.L. режанинг мақсадини «таълим ва ўқитиш тизимларининг сифати ва инклюзивлигини ошириш ҳамда рақамли ўтиш даврида барча учун рақамли кўникмалар билан таъминлаш» мақсадини билдирди [12].

COVID-19 инқирози таълим тизимларининг қийин трансформациясини келтириб чиқарди ва онлайн таълимнинг катта аҳамиятини таъкидлади.

Шундай қилиб, COVID-19 пандемияси даврида дарсларни онлайн олиб бориш ва дарсларни онлайн ташкил этиш, талабалар ва профессор ўқитувчилар орасида рақамли таълимни аҳамиятини оширди. Пандемиядан кейинги даврда эса талабалар онлайн ўз устида ишлаш мумкинлиги ва кўплаб қўшимча дарсларни интернет тармоғи орқали ўзлаштириш билан вақт унумдорлигига эришиш, сифатли билим

ва кўникмаларни ўзлаштиришларини мумкинлиги билан ўз самарасини берди.

Адабиётлар

1. Alleyne D., McLean Sh. et al. The case for financing: Caribbean resilience building in the face of the COVID-19 pandemic, (LC/TS.2020/161, LC/CAR/TS.2020/7), 2020.
2. Bleeker A., Crowder R. Selected online learning experiences in the Caribbean during COVID-19, (LC/TS.2021/212, LC/CAR/TS.2021/7), 2022.
3. Burges, S. and Sievertsen, H.H. (2020), Schools, Skills, and Learning: The Impact of COVID-19 on Education, CEPR Policy Portal, Published: 01 April 2020.
4. CNN Business. Coronavirus lockdown could give online education a lasting boost in India. (<https://edition.cnn.com/2020/04/08/tech/online-education-india-coronavirus-spc/index.html>) retrieved as on April 30, 2020.
5. Hui, D.S., Azhar, E.I. et al "The continuing 2019-nCoV epidemic threat of novel coronaviruses to global health – the novel coronavirus outbreak in Wuhan, China", International Journal of Infectious Diseases, Vol. 91 January 14, 2021. pp. 264-6.
6. Ilmiyah, S., Setiawan, A. "Students' worksheet for distance learning based on scientific literacy in the topic coronavirus disease 2019 (COVID-19)". doi: 10.31237/osf.io/fpg4j.
7. Lewis, N. "Coronavirus lockdown could give online education a lasting boost in India", Published: April 08, 2020.
8. Li C., Lalani, F. "The COVID-19 pandemic has changed education forever", This is how. World Economic Forum published: April 29, 2020.
9. Parker M., Alfaro P. Education during the COVID-19 pandemic: access, inclusion and psychosocial support, (LC/TS.2021/211, LC/CAR/TS.2021/6), 2022.
10. UNESCO. COVID-19 Educational Disruption and Response. (<https://en.unesco.org/covid19/educationresponse>) retrieved as on May 03, 2020.
11. UNESCO. UNESCO's support: Educational response to COVID-19. (www.en.unesco.org/covid19/education) retrieved as on May 03, 2020.
12. World Bank. Remote Learning, EdTech and COVID-19. (<https://www.worldbank.org/en/topic/edutech/brief/edtech-covid-19>) retrieved as on April 30, 2020.



COMPARATIVE ANALYSIS OF TREATMENT RESULTS IN PATIENTS WITH DAMAGE TO DUENUM IN DIFFERENT SURGICAL TACTICS

Ruziboev S.A., Amonov Kh.R.

ЎН ИККИ БАРМОҚ ИЧАК ЖАРОҲАТЛАРИНИ ТУРЛИ ХИРУРГИК ТАКТИКАЛАРДА ДАВОЛАШ НАТИЖАЛАРИНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ

Рузибоев С.А., Амонов Х.Р.

